O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 28 апрель, № 81 (3880) Жума

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



«Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси раҳбарияти спорт жиҳозлари сотиб олиш учун Янгиер шаҳридаги 6-мактабга 10 миллион сўм маблағ ажратди.



САХОВАТНИНГ МЕЗОНИ БЎЛМАС

— Ўтган йили кузда ҳукумат комиссияси таркибида «Ўзбекэнерго» компанияси раҳбарияти ҳам мактабимизга келганди, — дейди мактаб директори Евгения Резник. — Комиссия ҳамма ишларимизни ижобий баҳолади. Аммо спорт залимиз уларда хуш таассурот қолдирмади. Спорт жиҳозлари етишмаслиги тўғайли физкультура дарслари яхши ўтилмас, секцияларимизда турли машғулотлар олиб боришга имкон йўқ эди.

Компания раҳбарияти бу муаммони кўриб, бизга молиявий ёрдам кўрсатишга ваъда берди. Ва ниҳоят, нурчиларнинг раҳбари лафзида турди. Янгиер шаҳар халқ таълими бўлими ҳисобига 10 миллион сўм пул ўтказди.

Ҳозир мактабда кураш тўшаклари, гимнастика қурилмалари, швед девори, турли тренажёрлар, тўрлар, футбол, волейбол, баскетбол тўплари, теннис столи ва ракеткалар, бокс қўлқоплари, спорт майкалари, қўйингки, ҳамма нарса муҳайё. Бу маблағга нафақат спорт жиҳозлари сотиб олинди, балки футбол майдони рисоладагидек қайта таъмирланди. Енгил атлетика учун янги йўлаклар очилди.

Сиз суратда кўриб турган мактаб ўқувчилари эндиликда шаҳардаги бошқа майдонларга бориб юрмайди. Насиб қилса, келажакда шу даргоҳнинг ўзидан спортнинг кўплаб турлари бўйича жаҳон чемпионлари чиқишига, шубҳа йўқ.

Ҳа, савоб ишнинг ўлчами, саховатпешаликнинг мезони бўлмайди ва у пулу маблағ билан ўлчанмайди. У — бебаҳодир!

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнгги йилларда хусусийлаштириш шакл ва услубларини такомиллаштириш, корхоналарни тўлиқ ва акцияларнинг давлат пакетларини хусусий мулкка сотиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг амалдаги барча соҳаларида мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратди. Давлат активлари ва акциялар пакетларини нолга тенг қиймат бўйича сотиш кейинги йилларда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилиш амалга оширилди.

Шу билан бирга, Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини жиддий яхшилаш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари асосий эътиборни майда, иккинчи даражали масалаларга қаратиб, хусусийлаштиришнинг муҳим стратегик йўналишлари бўйича тегишли даражада ташаббускорлик кўрсатмаяпти, фонд бозорини кенгайтириш ва қимматли қоғозлар бозори, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришни фаоллаштириш бўйича зарур чоралар кўрмаяпти.

Бозорда монопол мавқега эга бўлган, катта инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар оқимига, замонавий технологияларнинг жорий этилишига эҳтиёж сезаётган йирик компанияларни хусусийлаштириш бўйича ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Кўплаб холдинг ва акционерлик компанияларнинг низом жамғармаларида акцияларнинг давлат пакетлари улуши асоссиз равишда юқорилигича сақланиб қолмоқда.

Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг хусусийлаштирилган корхоналарда давлат активларини самарали бошқариш бўйича фаолияти қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермайди. Давлатнинг ишончли вакиллари ва бошқарувчиларининг ишлари юзаки ташкил қилинган бўлиб, амалда "директорлар корпуси" акционерлик жамиятларини бошқариш тизгинини ўз қўлларида ушлаб турибди. Малакавий талаблар ва кузатув кенгашлари ишларини баҳолашни тартибга солувчи меъёрий базанинг йўқлиги акционерлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини фаол ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Тизим ходимларини аттестация қилиш натижалари мутахассислар, айниқса, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг малакаси пастлигини кўрсатди. Бу қўмита олдига қўйилган вазифа ва функциялар қониқарсиз бажарилишининг асосий сабабларидан бириди.

Хусусийлаштириш жараёнларини янада фаоллаштириш, давлат мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Давлат мулки қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раҳбариятининг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича иши қониқарсиз, деб топилсин.

Давлат мулки қўмитаси органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни таъминлашга доир тадбирлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича комплекси (Р.Азимов) тасдиқланган тадбирларни белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Қайд этилган тадбирлар ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига мунтазам маълумот берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда давлат мулки улушига эга хўжалик юритиш жамиятларидаги кузатув кенгашлари фаолияти, улар томонидан 2005 йилги бизнес-режаларнинг бажарилишини, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланган 2006 йилги бизнес-режалар мавжудлигини атрофлича таҳлил қилсин.

Бизнес-режаларнинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаган ёки жорий йил учун самарали бизнес-режалар мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу хўжалик юритиш жамиятларидаги ишончли давлат вакиллари ёки компаниялар бошқарувчиларини алмаштиришни, ижрочи директорларни белгиланган тартибда лавозимидан озод этишни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Вазирлар Маҳкамасида ҳар йили тасдиқланадиган жадвал асосида Кузатув кенгашлари раислари ва давлат активларига эга йирик компаниялар раҳбарларининг компанияларнинг ахволи ва уларни ривожлантириш тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам тинглашни таъминласин ва натижаларга кўра уларнинг ишларини баҳоласин, жавобгарликнинг маъмурий чораларини қўлласин ва давлат органларининг Кузатув кенгашидаги аъзолари ҳамда компаниялар раҳбарларини эгаллаб турган лавозимидан озод этсин.

б) бир ой муддатда давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқласин. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилсин: давлат активларини хусусий мулкка сотишни амалга ошириш механизмини аниқ белгилаш; олди-сотди шартномалари ва янги мулкдорнинг, жумладан, инвестиция мажбуриятлари, корхонанинг хусусийлаштиришдан кейинги барқарор фаолият юритиши, объектни харид қилиш пайтида тақдим этилган бизнес-режа кўрсаткичларини бажариши бўйича ўз зиммасига олган масъулиятини белгиловчи томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ҳақидаги шартномалар моддаларининг аниқ мазмун-моҳиятга эгалиги;

объектлар ва корхоналарни улар жойлашган ер майдонлари билан бирга хусусийлаштириш; акцияларни янги мулкдорга фақат у қийматини тўлиқ тўлаганидан ва инвестиция мажбуриятларини бажарганидан сўнг мулк қилиб бериш.

4. Қуйидагилар тасдиқлансин: 2 ва 3-иловаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати таркиби бошқарув ходимлари сони 125 бирликдан ошмаган ҳолда; 4, 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тузилмаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси; 6-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича марказий бошқарув ходимлари сони 93 бирликдан ошмаган ҳолда, шу жумладан марказий аппарат ходимлари тузилмаси 25 бирликдан ошмаган ҳолда;

7-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси тўғрисидаги Низом.

Белгиланганки, Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига бўйсунади ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ҳисобот беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

"Давинком" давлат инвестиция фирмасини тугатиш ва унинг функцияларини Давлат мулки қўмитаси марказий аппаратининг биржа ва биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотиш билан шуғулланувчи бўлинмаларига ва унинг ҳудудий бошқармаларига бериш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-текшириш институтини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш марказига айлантириш;

"Мулкдор" газетасини "Биржа" газетасига айлантириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси: бир ой муддатда қўмитанинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги намунавий Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифаларини, хусусийлаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ўз вақтида амалга ошириш, давлат мулки бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, инвесторлар зиммасидаги инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун шахсий масъулиятини аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратсин; ҳайъатнинг ойлик йиғилишларида алоҳида ҳудудий бошқармалар ва уларнинг бўлимлари раҳбарларининг юклатилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлар самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб боришни амалиётга жорий этсин, бунда уларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари, шу жумладан эгаллаб турган вазифасидан озод этишгача бўлган чораларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 июндаги 303-сонли "Давинком" инвестиция фирмасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ва 2003 йил 24 июлдаги 325-сон "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисда"ги қарори ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тақдим этсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 апрель.

Анжуман

Ҳуқуқ ва манфаатлар муҳофазаси

Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Республика Бош прокуратураси ҳамда ЮНИСЕФ жамғармаси билан ҳамкорликда "Етим ва қаровсиз болалар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши" мавзуида семинар-тренинг ташкил этди.

Бугун мамлакатимизда болаларнинг ижтимоий ҳимояси, тарбияси учун мустаҳкам қонуний асос ва шароит яратилган. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган қатор дастурлар амалга оширилаётир. Жумладан, ҳомий ташкилот ва тадбиркорларга кенг имкониятлар очиб берилгани боис бу борадаги ишлар янада яхшиланмоқда. "Сен ёлғиз эмассан" жамғармасининг тегишли ташкилотлар билан яқин ҳамкорлиги соҳадаги самарадорликни кучайтираётгани бунинг яққол далилидир.

Анжуманда вояга етмаганларнинг таълим ва тарбияси уйғунлигини таъминлаш, боқувчисини йўқотган болаларни ҳуқуқий ҳимоялашда давлат идоралари, мутасадди ташкилотлар ва жамоатчилик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бу борада васийлик ҳамда ҳомийлик органлари фаолиятини кенгайтириш, болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш юзасидан фикр алмашилди.

Семинар 29 апрелгача давом этади.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ МУҲОКАМАСИ

Пойтахтимизда 27 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Е.Ертисбаев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазирининг ўринбосари Мэн Сяоси, Қирғизистон Республикаси маданият вазири С.Раев, Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Д.Амунц, Тожикистон Республикаси маданият вазири Р.Амиров ҳамда ШҲТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари нафақат ўзаро сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, балки ташкилот доирасида ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратадилар. Зеро, маданий алоқалар халқлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи энг асосий омиллардандир. Ҳамкорликда ташкил этиладиган турли кўргазмалар, фестиваллар, анжуман ва симпозиумлар мазкур халқаро ташкилот муҳитида яшовчи халқларнинг бир-бирини яқиндан таниши учун яхши имконият яратади. Бунинг натижасида давлатлараро муносабатларнинг пойдевори янада мустаҳкамланади.

Маълумки, ШҲТ доирасида мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг, ташқи ишлар ва мудофаа маҳкамалари раҳбарларининг, иқтисодиёт, савдо-саноат ва молия вазирларининг, маданият вазирларининг кенгашлари фаолият юритади.

Маданият вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтган бу галги мажлисида ШҲТ доирасида маданий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. Иштирокчилар бу йўналишдаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш учун имкониятлар кўплигини, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг бой маданияти ва ранг-баранг санъатининг ўзаро тарғиботи биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштиришни тақозо этаётганини таъкидладилар.

Кенгаш қатнашчилари ШҲТ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама маданий ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган режанинг ижроси ҳамда жорий йил июнда Хитойда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг иккинчи санъат фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўришнинг боришига оид масалаларни муҳокама қилдилар. ШҲТ доирасидаги маданий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, аъзо давлатлар ўзаро маданият кунларини ўтказиши, ШҲТ доирасидаги халқаро фестивалларда фаол қатнашиши анъанага айланиб бормоқда.

Жумладан, 2005 йил августда Самарқанд шаҳрида ўтган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига ШҲТга аъзо барча мамлакатлардан вакиллар келиб, ўз миллий санъатини намойиш этди.

Мажлис қатнашчилари мўйқалам соҳиблари, миллий рақс ва мусиқа усталари, театр жамоалари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш ва рағбатлантириш, маданий алоқаларни ривожлантиришда сайёҳлик соҳаси имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш имкониятларини ҳам кўриб чиқдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири.

СПОРТ, МЕҲР ВА БАҒРИКЕНГЛИК БАЙРАМИ

Пойтахтимизда махсус мактаб-интернат ва "Мурувват" уйларида тарбияланувчи ногирон болаларнинг махсус олимпия ўйинлари доирасида футбол мусобақалари бошланди. У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар ва Миллий олимпия қўмиталари, "Соғлом авлод учун", "Sen yolg'iz emassan" жамғармалари каби ташкилотлар кўмагида ўтказилмоқда.

Тадбирнинг очилишида юртимизда аҳолини спортга оммавий жалб этиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, ҳамюртларимиз қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилган. Шунингдек, ногирон болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиш, махсус интернатларда таълим олаётган, мурувват уйларида яшаётган ногирон болаларнинг жисмоний ривожланишини такомиллаштириш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Пойтахтимизда бошланган мазкур мусобақа ҳам ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Футбол бўйича мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари — 220 нафар бола икки кун давомида ўзаро куч синашади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари,

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.
Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятидан

ГАП БИЛАН ИШ БОҒЛАНСА...

Маҳаллий Кенгашга, масалан, халқ депутатлари туман кенгашига сайланган кишининг масъулияти нималардан иборат?

Эскиқўрғон сайлов округидан Жарқўрғон туман кенгашига сайланган депутат Фарҳод Яҳёев шу саволимизга, «Депутат майдачуйда масалаларга ўралашиб қолмасдан, аввало, бугунги куннинг асосий талаб-вазифаларини анчайин биладиган киши бўлмоғи лозим», деб жавоб қайтарди.

— Худди рисоладан ёдлаб олгандай қилиб гапирасиз, — дейман ҳазил йўсинида.

— Яхши гапларни ёдлаб ҳам олиш зарур. Ва, муҳими, ўша гапларни ҳаётга қўллаш ҳам керак, — дейди ёш депутат бўш келмай.

Ана шундан сўнг биз унинг иш режаларию амалга ошираётган юмушлари билан танишамиз.

Режасига у ҳар ўн беш кунда ўзини сайлаганларнинг ҳузурига боришни киритибди. Ўзи-ку ҳар ойнинг фалони куни фалон соатдан қабул вақтим деб эълон қилишиям мумкин. Ва айни пайтда шу расмиятчилик ҳам ортиқчароқ экан. Фарҳоджон, туман марказида ишлагани билан яшайдиган жойи шу Эскиқўрғон қишлоғи. Сайловчилари билан демак, ҳар куни учрашиб туради. Муҳими, одамлар уни ўзимизнинг депутатимиз, деб ҳурмат қилишади. Олдинига Фарҳоджон, сайловдан-ку яхши ўтдим, депутат бўлиб энди нима иш қиламан деган хаёлларга борувди. Йўқ. Нима ишларга эътибор қаратишини одамларнинг ўзлари унга кўрсатиб қўя қолишди. Режани депутат учун сайловчиларнинг ўзлари тузиб бергандай бўлишди. Фақат, ишлаш, ишончни оқлаш, юртга етакчилик масъулиятини эплаш керак. Эплаяпти ҳам.

Бир мисол. Сафар Чоршанбиев бошлиқ «Умидли келажак» фермер хўжалигида майдонни жиҳозлаб, волейбол жамоасини ташкил этиш бир кичкинагина ишдай бўлиб кўринувди. Бу иш лекин кўпларнинг эътиборига тушди. Қишлоқ ёшлари шу жамоага келиб ёзилиб бошладилар. Ёки бўлмасам, жамоа-жамоа бўлиб келиб, «Умидли келажак» билан беллашиш режаларини тузадилар. Ана шу ҳаракатлар туртки бўлиб, спорт бутун бир қишлоқ ёшлари учун кундалик машғулотга айланди-қўйди. Фермерлар мактаблар учун спорт жиҳозларини олиб бердилар. Мактаб ҳовлиларини ободонлаштиряптилар. Кўча-кўприкларни созлаяптилар. Эҳтиёжманд одамларга ёрдам қўлини чўзяптилар.

Яхёевнинг фикрича, худди шундай ишлар аҳолини шакллантиради. Бу жараёнга эса ёшларнинг диққатини қаратмоқ керак. Ёшлар қишлоқнинг иссиқ-совуғидан бехабар бўлмасин. Турмуш ташвишларига катталар қатори улар ҳам дахлдорлик ҳиссини англасин. Ҳамқишлоқларига суянчиқ, ҳамкор, ҳамдард, дастёр деб билсин ўзларини.

Яхёевнинг сайловчилар билан мулоқотлари аввалари бошқачароқ кечарди. Мулоқотлар, тўғриси, шикоятларданми ё арз-додларданми иборатдек эди. Ҳозир-чи. Муаммолар ўртага ташланади. Муаммони ижобий ҳал этиш устидан бақамти ишлаш йўллари кўриб чиқилади. Таҳлил давомида, депутатмисан, шу ишни бажариб берасан деган талаб қўйиш ўрнига, қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилиш имкониятлари яратилади.

17-Лойқанд сайлов округидан сайланган Худойқул Кўчиновнинг ҳам депутат сифатида ўз ўрни, обрўси бор. Ўртада буюртма ёки фалон ишни ҳал қиламан деган ваъда эмас, амалий иш устувор, ҳаёт дегани югуриш йўлакчаси эмаски, тўсиқлардан сакраб ўтиб маррани эгалласанг. Масалаларнинг ечимини топиш, ҳал этиш муҳим. Депутат масалани ўрганади. Қишлоқ аҳли иштирокида ҳал этилмаганини тегишли идораларга олиб чиқади. Кенгаш ҳузуридаги доимий комиссиялар аъзолари билан маслаҳатлашади. Унингча, депутат ҳокимият билан одамлар ўртасидаги кўприк. Шу юртни обод қилишга ўзини чоғлаган камарбаста одам.

Кенгашга тақдим этган ҳисоботларига қараб айтадиган бўлсак, 30-Канайди сайлов округидан туман кенгашига депутат Тўра Бекмуродов ҳам камарбасталикда бошқалардан қолишмаётгандай: иш режалари дуруст. Вақти-вақти билан сайловчиларига ҳисоб бериб туради. Ҳисоботларида бугуннинг долзарб гаплари тилга олинади. Буниси яхши. Лекин фалон ишларни бажармоқ лозим деган сўз бу ҳали масаланинг бир томони. Режа билан амалий иш ўртасида узилиш бўлмасин. Узилиш эса... кузатилаётгандай: коммунал, пуллик хизмат соҳаларида маром бўшашган. Касаначилик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, айниқса, ёшлар тарбияси билан ишлаш суст.

Биз доимий комиссиялар фаолияти битилган қоғозлар билан, бошқа депутатларнинг ҳисоботлари билан танишамиз. Ҳаммаси гўё рисоладагидек: жумлалар силлиқ. Бирибирига ҳатто, ўхшаш. Ёдлаб олиб бировга гапириб берсангиз ибрат бўларлик. Лекин ёш депутат Яҳёев айтганидек, гап ўзининг залворли юки, ишга боғлиқлиги, одамларнинг оғирини енгил қилишга асқотиши билан аҳамиятли. Гап билан иш бирлигини боғлашда эса депутатлар белни янаям маҳкамроқ тугишига тўғри келади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Саришталі жойдан файз аримас

Тошкент вилояти, Зангиота туманининг "Ўзбекистон" маҳалласида 19 та кўп қаватли уй бор. Уларда тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Гарчи маҳалла ҳудуд жиҳатидан нисбатан кичикроқ бўлса-да, бу ерда амалга оширилаётган ишлар қамрови кенг. Илгари маҳаллага борган кишининг кўзига хунук кўринувчи тарвақайлаб кетган дарахтлар, ўйдим-чуқур йўллар текисланаяпти, ариқ-зовурларни доимий тоза тутишнинг уддасидан чиқилаяпти.

Тўғри, бу юмушлар сизу бизнинг наздимизда ҳар кунлик вазифадек туюлади. Лекин кўп ҳолларда мана шундай оддий юмушларни вақтида адо этмаслик ортидан катта ташвишлар келиб чиқади. Ҳал этилиши лозим бўлган, аммо биров бош қотирмаётган масалалар биз айтаётган маҳаллада ҳам мавжуд эди. Мана эътибор беринг.

"Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Султоновнинг айтишича, совуқ сувнинг тез-тез узилиб туриши, иситиш тизимининг ишдан чиққанлиги, канализация қувурларининг яроқсиз ҳолга келиб қолгани одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. Президентимизнинг ўтган йили эълон қилинган қарорларидан сўнг бу ердаги ширкат "Мурод Аваз таъмирсоз" шўъба корхонаси деб юритила бошланди.

Пала-партишлик авж олиб, муаммою ғалвага тўла иш Икром Мусаев қўлига ўтди. У ўз фаолиятини, даставвал, бу ерда қалашиб ётган муаммоларни бартараф этишдан бошлади. Буни ҳал этиш учун эса, табиийки, катта маблағ лозим эди. Излаган имкон топар, деганларича бор экан. Қисқа вақт мобайнида ҳомий ҳам топилди. Янги раис муаммони ҳал этишнинг энг осон ва қулай йўли ҳамкорлик, бир-бирини тушуниб ишлашда эканлигини одамларга уқтирди. Бу эса қисқа вақт ичида ўз самарасини кўрсатди.

— Мен 5-уйнинг 52-хонадонида яшайман, — дейди Нигора Алиқулова исмли аёл. — Яқин-яқингача бу ердаги уйларнинг аҳволини кўриб, ҳафсалангиз пир бўларди. Ширкатлар қайта ташкил этилганидан сўнг катта ободончилик ишлари бошланди. Уйимиз томлари тўлиқ таъмирланган, иситиш ва канализация тармоқлари янгиланди. Йил бошидан буён иссиқ ва совуқ сув

Ободлик кўнгилдан бошланади

қувурлари қайта ётқизилиб, сувни мунтазам етказиб бериш йўлга қўйилди. Йўлаклар таъмирдан чиқарилиб, темир эшиклар қўйилаяпти.

Нигора опа мулоқот давомида бизга қизиқ бир гапни айтиб қолди. Ҳудуддаги уйларнинг ширкат томонидан таъмирланаётгани одамларнинг кайфиятига тезда таъсир қилибди. Илгари йўлакни тозалашга ҳам ҳафсала қилмайдиганлар, бугун нафақат ён-атрофни, балки маҳалланинг ҳар бир бурчагини, кўчасию йўлакларини озода-саришта тутишни одат қилганлар. Ёшлар катталардан, қўшни қўшнидан ибрат олиб, маҳалланинг обод бўлишига қаттиқ эътибор бераяптилар.

Хайрли ишнинг қаноти бор деганлари мана шу аслида! Бироқ, ўйлаб кўрилса, бир томондан, одамларнинг ҳафсаласи пир бўлиши бекорга эмас. Уларнинг айтишича, бу уйлар 1974 йилда фойдаланишга топширилган. Ўтган йиллар давомида қаровсизлик боис қувурлар ёрилиб, ертўлалар зах босиб ётган эди. Шу туфайли биров коммунал хизматларга пул тўлагиси ҳам келмасди. Натижада, бу масалада тинимсиз низолар келиб чиқар, очиғи, бундай шароитда ҳар қандай киши ҳам коммуналчилар ишидан норизо бўларди. Аслида гап фақат ана шу соҳа вакилларига бориб тақалсаку, хўп-хўп. Бироқ, иккинчи томон — истеъмолчилар ҳам ўз мажбуриятларини вақтида бажаришса, низоларнинг келиб чиқишига ҳеч қандай асосу важ қолмаган бўларди. Яъни, масъулиятни ҳис қилиш, ҳамжиҳатликда муаммога барҳам бериш орқали бинойидек шароитда истиқомат қилишга нима етсин?

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз қарорлари соҳадаги аҳволни тубдан яхшилади. Аҳоли огоҳлантиришсиз ва асосийси, ўз ихтиёри билан фойдаланганлик учун коммунал хизматлар тўловини вақтида амалга ошираяпти. Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкати деярли назоратсиз қолаётгани барҳам топди. Тизимдаги ўзибўларчиликка, аҳоли ўртасида ҳақли норозиликни келтириб чиқараётган сабабларга чек қўйилди...

Хуллас, мамлакатимизда коммунал соҳани тубдан яхшилаш, УМШлар фаолиятини такомиллаштириш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Биз эса, уммондан томчи деганларидек, жабҳадаги муваффақиятларни биргина маскан мисолида айтиб ўтдик. Зеро, бу ҳудуд ниҳоятда хароб аҳволда эди. Соҳадаги кескин бурилиш эса "Ўзбекистон" маҳалласига ўхшаш кўплаб масканларни обод этишга ҳизмат қилаётир. Асосийси, янгиланишлар истеъмолчилар кайфиятини ижобий томонга бурди. Ҳар ким нафақат ўз уйини ўзи асраши кераклигини, шу билан бирга озода-саришта тутиши лозимлигини англаяпти.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК

"Экосан" халқаро хайрия ташкилотида "Чернобиль сабоқлари ва минтақавий радиацион хавфсизлик муаммолари" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Унда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, эколог олимлар, шунингдек Чернобилда рўй берган фожиа оқибатларини тугатишда қатнашган ҳамюртларимиз иштирок этдилар.

Энг йирик экологик фалокатлардан бири — Чернобиль атом станциясида авария юз берганига 20 йил тўлди. Ана шу ҳалокат оқибатида Украина, Белорусь, Россия давлатларининг беш мингдан зиёд аҳоли пунктларига зиён етди. Мазкур ҳалокат сабаб кўпгина Европа мамлакатлари ҳудудида радиацион вазият кескин даражада ўзгарди.

Анжуманда таъкидланганидек, Марказий Осиё ҳудудида радиацион хавфсизликни таъминлаш ва ана шу ззгу мақсадда минтақа давлатлари кучларини бирлаштириш бугунги кунининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Тадбир сўнгида Чернобилда рўй берган фожиа оқибатларини тугатишда қатнашган ҳамюртларимизга "Экосан" халқаро ташкилотининг инсонпарварлик ёрдамлари топширилди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

МЕБЕЛЛАР САЛОНИ ОЧИЛДИ

Навоий вилоятидаги кўркам шаҳарлардан бири Учқудуқ мустақиллик йилларида янада чирой очди. Бу ерда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратилаётир.

Тадбиркор Валера Зазулина ташаббуси билан шаҳар марказида замонавий мебеллар салони очилди. Ундан мамлакатимиз корхоналари томонидан шарқона безаклар ва замонавий услубларда ишлаб чиқарилган уй жиҳозлари, турли хилдаги қаттиқ ва юмшоқ мебеллар тўпламлари ўрин олган.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, бу аграр соҳада яққол кўзга ташланаётир. Ер ўз эгалари — деҳқонлар тасарруфига ўтгач, далаларда иш қизиғандан-қизиб кетди.

— Шу пайтга қадар 17 гектар ерда деҳқончилик қилардик, — дейди Бўз туманидаги "Ғолиб" фермер хўжалиги раҳбари Алишер Солиев. — Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, ўтган йили тендерда иккинчи бор иштирок этдик. Фаолиятимиз обдон ўрганилгач, ғолиблар қаторида яна 20 гектар ерли бўлдик. Барча техника воситаларига эгамиз.

Ер ўз эгасини топди. Бугун "Ғолиб" далаларининг 10 гектарида ғалла, 27 гектарида ғўза ниҳоллари парваришланмоқда.

***СУРАТДА:** фермер Алишер Солиев.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

"Халқ сўзи" назоратида

«Тунги барда бир кун» («Халқ сўзи», 2006 йил 17 январь) сарлавҳали мақолада пойтахтимиздаги «Сайилгоҳ» кўчасида фаолият юритаётган айрим мавсумий қаҳвахоналарда савдо қоидалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти талабларига риоя қилинмаётгани, натижада турли нохуш ҳолатлар, камчиликлар юзага келаётгани ҳақида баён этилган эди. Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.АБДУМАЖИТОВ имзоси билан таҳририятимизга мазкур мақола юзасидан расмий жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади:

Тунги барда тартиб ўрнатилади

«Мақола Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти, «Сайилгоҳ» давлат корхонаси, Юнусобод туман ИИБ ходимлари, Сайилгоҳ кўчасида фаолият юритувчи барча савдо шохобчалари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, «Сайилгоҳ» кўчасида жойлашган ҳар бир умумий овқатланиш шохобчасида ходимлар савдо қоидалари ва маданияти талабларига риоя этиши ҳақида огоҳлантирилди. Ҳар бир умумий овқатланиш шохобчасида фирма номи ёзилган пешлавҳа ва иш тартиби осилди. Кеч соат 23.00да, шохобча ёпилишида «Сайилгоҳ» ДУК вакили ва таянч пункти милиция нозири иштирок этмоқда.

Барча корхоналардаги таомномаларда аниқ нархнаволар кўрсатилиши таъминланди. Хизмат қилувчи официантларни ишга қабул қилишда Тошкент шаҳрида рўйхатда борлигини, тиббий кўрикдан ўтганлиги, хизмат кўрсатиш малакасига эгалиги, махсус кийим ва ходимнинг исми ёзилган кўкрак белгиси билан таъминланганлигини назорат қилиш шахсан корхона раҳбари зиммасига юкланилди. Мазкур чора-тадбирларнинг бажарилиши доимий назоратга олинди».

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ —

ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши, президентлар И. А. Каримов ва В. В. Путиннинг ўзаро манфаатли соҳаларда давлатлараро шартномаларни имзолаши икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги даражада ривожланишига омил бўлди. Ушбу шартномалар икки мустақил мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда янгича ишончли ҳамкорлик ҳамда ўзаро яқинлашувга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқалар таълим соҳасида ҳам кенг намоён бўлмоқда. Ушбу алоқалар туфайли икки давлат таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнида ўзаро алоқаларнинг янада чуқурлашуви, ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тайёрлашга имкон туғилмоқда.

Шу кунларда ТДИУ ректори, академик С. Ғуломов университетнинг Россиядаги энг пешқадам олий ўқув юртлари ва илмий марказлари билан илгаридан мавжуд бўлган алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда Россияда чоп этилган, ўзимизда мавжуд бўлган барча иқтисодий таълим йўналишлари бўйича 4000дан ортиқ номдаги ўқув адабиётлари ва дастурларни Москвадан олиб келди.

Россия Федерацияси Фанлар академиясининг вице-президенти, академик А. Д. Некипилов, МДУ ректори, академик В. А. Садовничий, Г. В. Плеханов номли Россия Иқтисодиёт академияси ректори, академик В. И. Видяпин, Россия Молия академияси ректори, академик А. К. Грязнова, Бутунроссия сиртқи молия иқтисод институти ректори, профессор А. Н. Романов, Россия Федерацияси ФА Иқтисодиёт институти директори, академик Р. С. Гринберг ва бошқа етакчи Россия олий ўқув юртлари ва илмий марказларининг етук олимлари билан бўлган амалий учрашув вақтида ТДИУ кутубхонасига катта миқдордаги ўқув ва илмий адабиётлар тақдим этилди. ТДИУ ректорати 2004-2006 йилларда нашр этилган Россия янги иқтисодий адабиётлари рўйхатини махсус тўплам қилиб чоп этди.

Тўпламда Россиянинг етук нашриётлари, илмий марказлари, илғор Россия ва Европа университетлари томонидан тайёрланган ва нашр этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар, диссертацияларнинг авторефератлари, илмий мақолаларнинг тўпламлари, журналлар, ўқув дастурлар ва ўқув тестлар тўпламлари ҳамда бошқа ўқув-илмий нашрлари йиғилган. Москвадаги нашриёт ва марказлар, институтлар, университетларнинг Интернет сайтлари бўйича танланган ва мавжуд адабиётлар университетнинг кафедра ва деканатлари томонидан тайёрланган буюртма асосида олиб келинди. Китобларни танлаш ва уларни етказишда Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонаси яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Фан ва ислоҳот

Университет хазинасига қўшилган барча ўқув-илмий адабиётлар профессор-ўқитувчиларимиз томонидан махсус экспертизадан ўтказилди. Кутубхона ўқув залларида ташкил этилган университет факультетлари, касб-ҳунар коллежлари ва иқтисодий йўналишдаги илмий-текшириш институтлари ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари иштирокида китобларнинг очиқ кўргазмаси ташкил қилинди. Университет кутубхонасида республикадаги барча ўқув юртлари учун очиқ бўлган доимий кўргазма ташкил этилган. Мазкур китобларнинг компьютер нусхалари тайёрланиб, уларнинг электрон вариантлари университет локал компьютер тизимига киритилган, китоблар ва дастурларнинг электрон вариантлари ZIYONET ўқув-таълим порталларига киритишга тайёргарлик кетмоқда. Ушбу манбаларга Ўзбекистоннинг исталган бурчагидан мурожаат қилиш имкони туғилади.

Бугунги кунда иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифаларини эътиборга олган ҳолда яна 300га яқин ўқув адабиёти яратилиб, чоп этишга берилмоқда. Чунончи, мазкур тайёрланган адабиётлар Россиядан келтирилган китобларда мавжуд бўлган хорижий тажриба, илғор билим ва кўникмаларнинг малакали қиёсий таҳлилини ўз ичига қамраб олган. Доимий фаолият кўрсатиб турувчи Педагогик маҳорат мактабида иқтисодий фанларни ўқитишнинг интерактив усулларига асосланган замонавий педагогик технологиялар ҳам ишлаб чиқилган. 2005-2006 йилларда яратилган 7 та ўқув қўлланмаларда айнан аниқ фанлар бўйича замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш масаласи илгари сурилган. Университет «Иқтисодчи» газетасининг охирги 7 та сони ўқув дастурлари ва адабиётларини тайёрлаш бўйича асосий талабларга бағишланган. Уларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар хусусиятларини ҳисобга олиш, олий ўқув юртлари мутахассисларига бўлган истеъмолчилар талаблари ҳамда замонавий адабиёт ва статистик маълумотлардан кенг фойдаланишга муҳим ўрин ажратилган.



Келтирилган ушбу ўқув адабиётлари нафақат университетда таълим ва илмий-тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадларига, балки Россия инвестицион тизими ва муҳити тўғрисида талабалар ва мутахассисларга кенгроқ билим ва кўникмалар берилиши орқали Россияда Ўзбекистонга инвестициялар кириб келишига муносиб ҳисса қўшишига умид уйғотмоқда.

Муҳаммадали САИДОВ,
Жасурбек ТЎРАЕВ.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Компания раҳбари қамоққа олиниши мумкин

Бундан бир муддат олдин Жанубий Кореянинг автомобиль ишлаб чиқарувчи йирик Hyundai компанияси раҳбарияти коррупцияда айбланганди. Маълумотларда айтилишича, компания маъмурияти бир қатор сиёсатчилар ва банкирларни сотиб олиш учун махфий фонд ташкил этган. Ушбу хабар пайдо бўлгандан сўнг, корпорация вакили коррупция билан боғлиқ можаро учун жамоатчиликдан кечирим сўраб, мазкур масалани батафсил ўрганиб чиқишда Hyundai ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини айтганди.

Мамлакат бош прокуратураси вакили Hyundai корпорацияси раҳбари Чон Мон Гуни қамоққа олишни режалаштираётганини маълум қилди. Ўтаётган ҳафта бошида компания раҳбари Чон Мон Гу 15 соат мобайнида терговчиларнинг махфий фонд билан боғлиқ саволларига жавоб қайтарди. Прокуратурадан олинган маълумотларда айтилишича, Hyundai раҳбарининг ўғлига нисбатан ҳам айблов эълон қилинади. Компания раҳбарининг қамоққа олиниши тўғрисидаги хабар тарқалиши билан Hyundaiнинг акциялари баҳоси уч фоизга пастлади.

Вақтинчалик тинчлик битими

Непалда исёнчилар уч ой муддатга ўт очишни ва мамлакат пойтахти Катманду ва йирик шаҳарларни қамал қилишни тўхтатишни маълум қилишди. Манбада айтилишича, исёнчилар мухолифатчиларнинг сўровига мувофиқ шундай йўл тутишган. Мухолифатчилар шаҳарларни қамал қилишдан биринчи галда оддий аҳоли жабр кўраётганини айтишмоқда.

Исёнчилар мамлакат конституциясини ўзгартириш жараёнида ҳам ўз фикр ва ғоялари билан иштирок этишади. Улар етакчиси Прачанди жангарилар уч ой давомида ҳарбий ҳаракатлардан ҳам тийилиб туришини билдирди. Эслатиб ўтамиз, 1996 йилдан буён маоистлар исёни сабаб 13 минг нафарга яқин одам қурбон бўлди.

Тўрт ҳарбий ҳалок бўлди

Ирокда жойлашган Италия контингенти базасида рўй берган портлаш оқибатида тўрт нафар ҳарбий ҳалок бўлди. Мазкур ҳарбий база мамлакат жанубидаги Насария шаҳрида жойлашган ва у ерда 2500 нафар италиялик ҳарбийлар хизмат қилишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Италияда аҳоли ўртасида миллий армиянинг Ирокда бўлишига нисбатан норози кайфият кучайиб бормоқда. Январь ойида расмий Рим жорий йил охирига қадар Италия контингенти Ироқни тарк этишини маълум қилганди.

Чегара хавфсизлиги учун

АҚШ Сенати депутатлари мамлакат чегараларида хавфсизликни кучайтириш учун яна қўшимча 1,9 миллиард доллар маблағ ажратилишини маъқуллаб овоз берди. Манбада айтилишича, мазкур маблағга биринчи навбатда мамлакатнинг Мексика билан чегарадош баъзи ҳудудларида девор қурилади.

Айни пайтда мамлакат олий органида муҳожирлар тўғрисидаги қонун муҳокамаси ҳам қизғин давом этаяпти. Ушбу қонун лойиҳасида ноқонуний муҳожирларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Халқимизда дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин, деган мақол бор. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу халқ ўгитига риоя қилмаган айрим корхона, ташкилот ва хўжаликларда биргина электр энергиясидан бўлган қарздорлик тобора ортиб бораётгани ачинарлидир. Қарзни ўз вақтида тўлаш масаласи қийинчилик билан ечим топмоқда. Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 1 ноябрда «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. Адлия вазирлигида 2005 йил 7 апрель куни рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома ҳам ана шу масала хусусидадир.

ҚАРЗДОРЛИК ЮКИ

Судлар департаменти Наманган вилоят ҳудудий бўлими ҳукуматимизнинг ушбу қарори талабларининг изчил бажарилиши бўйича фаол иш олиб бормоқда. Бутун эътибор шу ҳужжатлар асосида судлар томонидан қабул қилинаётган ижро ҳужжатлари талабларининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилаётир. Бу соҳада муайян натижаларга эришилмоқда. Якунланган йилда ҳудудий бўлимга юқоридаги қарор ижросини таъминлаш юзасидан 692 та, жами 7 млрд. 995 млн. 187 минг сўмлик ижро ҳужжати келиб тушди ва иш юритувига олинди. Шу жумладан, 2 млрд 807 млн. 616 минг сўмлик 4 та ижро ҳужжати «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасига асосан суд томонидан бекор қилиниши муносабати билан тугатилди. Келиб тушган ҳужжатлар юзасидан ходимларимиз томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида ундирилиши лозим бўлган 4 млрд. 935 млн. 259 минг сўмдан йил якунига қадар, 3 млрд. 240 млн. 392 минг сўмлик 486 та ҳужжатнинг тўлиқ ижроси таъминланди. Унинг 3 млрд. 183 млн. 949 минг сўми қарздорларнинг банкдаги ҳисоб-рақами, 5 млн. 443 минг сўми эса уларнинг мол-мулки ҳисобидан мажбурий тарзда ундирилди. Ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан келиб тушган ҳужжатлар бўйича ундирувлар 65,6 фоизга адо этилди. Ундирувлар бўйича суд ижрочилари Наманган шаҳар, Тўрақўрғон ҳамда Учқўрғон туман бўлимлари вилоят кўрсаткичидан юқори натижага эришганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш фуқаровий бурч. Шундай қилинмас экан, давлат бюджетига маблағ тушириш қийинлашади. Бу бюджетдан ойлик маош олувчилар ва нафақадаги кишиларнинг моддий аҳволи, бироз бўлса-да, мушкуллашади, деганидир. Бундай ҳолатга тушиб қолмаслик учун кўрсатилган хизматга тўловлар ойма-ой амалга оширилиши даркор. Кўпчилик корхона, ташкилот ва муассасаларда қарор талабларини бажаришга онгли муносабатда бўлинаётир. Уларда хўжалик судининг ҳал қилув қарори, ижро варақаси ва ажрими судлар департаменти бўлинмаларига келиб тушиши биланоқ, тўловни амалга оширишга киришилаётгани қувонарлидир. Масалан, судлар департаменти Наманган шаҳар бўлинмасига вилоят хўжалик судининг 2005 йил 5 февралдаги суд буйруғига асосан шаҳар давлат солиқ инспекцияси даъвоси бўйича «Озиқ-овқат» таъминоти бошқармасидан ундирувчи вилоят «Электр-тармоқлари» ОАЖ фойдасига истеъмол қилинган электр-энергиясидан 2005 йил 1 январь ҳолатига тан олинган 2.910.800 сўм қарз ҳамда 29.108 сўм давлат божи жами 29.399.800 сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати келиб тушди. Бўлинма ижрочилари ижро ҳужжатини иш юритувига қабул қилиб, «Озиқ-овқат» таъминоти бошқармаси раҳбарларига ҳужжат талабларини ихтиёрий равишда бажаришни, акс ҳолда «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддасига асосан жисмоний шахсларга эга кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари, мансабдор шахсларга эса 15 баробари миқдорида жарима солиниб, ижро мажбурий тартибда амалга оширилиши тушунтирилди. Озиқ-овқат таъминоти бошқармаси раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб, тўловларни дарҳол амалга оширдилар. Шунга кўра бўлинмада ушбу ташкилотга оид ижро ҳужжати тамомланди.

Суд ижрочиларининг шаҳар бўлинмасига 2005 йил 16 февралда вилоят хўжалик судининг 4 февралдаги ижро варақасига мувофиқ шаҳар давлат солиқ инспекцияси даъвоси бўйича қарздор 2-ММКК «Ўзсувтаъмирқурилиш»дан ундирувчи вилоят «Электр-тармоқлари» ОАЖ фойдасига истеъмол қилинган электр-энергиясидан 2005 йил 1 январь ҳолатига тан олинган 1.047.070 сўм қарз ва давлат фойдасига 10.470 сўм бож жами 1.057.540 сўм ундириш тўғрисидаги ҳужжат берилган эди. Ушбу ижро иши ҳам қисқа вақт ичида тамомланишига эришилди.

Қарор ва ижро

Шу каби суд ижрочилари бўлинмаларининг астойдил олиб борган ҳаракатлари, кенг қамровли тушунтириш ишлари туфайли вилоят хўжалик судининг Наманган шаҳар троллейбус бошқармаси, «Ўзсинектанасосомаш» қўшма корхонаси, Наманган шаҳар «Коммунал фойдаланиш бошқармаси»дан вилоят «Электр-тармоқлари» ОАЖ фойдасига истеъмол қилинган электр-энергиясидан бўлган қарзларни ундириш ҳақидаги буйруғи ҳамда ижро варақаси талаблари кечиктирилмай бажарилди.

Кези келганда, баъзи ташкилот раҳбарларининг қонунларга, хўжалик суди, судлар департаменти вилоят ҳудудий бўлими ҳамда унинг шаҳар ва туман бўлинмалари ижро ҳужжатларига нотўғри муносабатда бўлишаётганини очиқ айтиш лозим. Учқўрғон-Наманган «Сув иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси»ни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бошқарма вилоят «Электр-тармоқлари» ОАЖдан бўлган 5.691.900 сўм қарзини вақтида тўламади. Оқибатда ундирувчи бошқарма устидан судга даъво аризаси киритди. Вилоят хўжалик суди 2005 йил 27 май куни ушбу даъвони кўриб чиқди. Суд жавобгардан тегишли суммани ва давлат божини ундириш юзасидан буйруқ чиқарди. Суд буйруғига мувофиқ судлар департаменти шаҳар бўлими ижро ишини юритишни кўзғатди. Унда бошқарма раҳбарларига 5 кун муҳлат ичида ихтиёрий равишда буйруқ ижросини таъминлаш топширилди. Қарздор бундан ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Пировардида, бошқарманинг АИТБ «Ипотека Банк» Наманган бўлимидаги ҳисоб рақамига банд солинди. Ана шу чорадан сўнг бошқармадаги мутасаддилар кўзғалиб қолишди. Асосий қарз зудлик билан тўланди. Савол туғилади, нега бошқарма раҳбарлари аввалроқ бу ҳақда ўйлаб кўришмади? Ахир қарздорликдан қутулишнинг иложини топса бўлар эканку?

Бошқарма анча-мунча машмашалардан кейин қарзни узди. Бироқ, суд ижрочиларининг бир неча огоҳлантиришларига ва кўрилган чора-тадбирларига қарамай, суд органлари қарорларини бажармаётган муассасаларга нима дейиш мумкин? Ижрочиларимизнинг «Қарздорликдан уялмайсизми?» деган саволларига ана шундай ташкилотларнинг раҳбарлари бош қашишдан нарига ўтишмаётир. Наманган шаҳридаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бунга яққол мисолдир. У вилоят «Электр-тармоқлари» ОАЖдан фойдаланган электр-энергияси учун 2005 йил 1 июнь ҳолатига бўлган 3121 минг сўм асосий қарзи, 31.212 сўм давлат божини тўлашдан ҳозиргача бош тортиб келмоқда. Буни қандай тушунмоқ керак?

Бир қатор ташкилот ва хўжаликларда кўрсатилган хизмат учун тўланмаётган ҳақнинг, солиқдан бўлган боқиманда қарзларнинг кўпайиб бораётганига нима деса бўлади? Косонсой туманидаги «Пахта толаси» ҳиссадорлик жамияти бюджетдан 610 миллион сўм қарзини шу кунгача тўлагани йўқ. Поп туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги якунланган йилдан қолган 113 млн. сўм қарзини тўлаш ҳақида ҳанузгача ўйлаб кўрмаётир. Бу каби ҳолатлар мазкур ташкилот раҳбарларининг боқибеғамликка берилиб, қарздорликдан қутилиш учун шошилинч чора-тадбирлар кўришмаётганидан далолат беради.

Истеъмолчилар томонидан юқоридаги каби қарздорликдан бўлган тўловларини кечиктириш ҳолатлари ўз-ўзидан келиб чиқди, дейсизми? Йўқ. Бунга қарздор ташкилотлар раҳбарларининг субутсизлиги, ўзаро тузилган шартнома шартларининг бажарилишига бефарқ муносабатда бўлишаётгани асосий сабабдир. Шунга ўхшаш камчиликлардан айрим суд ижрочилари ҳам холи эмас. Уларда баъзи ҳолларда ундирувларни таъминлаш борасида қатъиятлилик етишмаётир. Республика судлар Департаменти раҳбариятида 2005 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда вилоятимиздаги бир қатор ижобий ишлар билан биргаликда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, ижро самарадорлигини ошириш, республика ҳукуматининг юқоридаги қарори ижросини тўлиқ бажариш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Бу якуний йиғилишдан тегишли хулоса чиқариб, ўз ишимизни янада фаоллаштиришни тақозо этади.

Қонун ҳамма учун баробар. Шундай экан, у ким бўлишидан қатъи назар, қонун талабларига риоя этиши ва уларни бажариши, суд қарорларини эса сўзсиз амалга ошириши шарт. Судларнинг ижро ҳужжатларини бажаришдан ўзини олиб қочган киши нафақат маънавий, балки катта миқдорда моддий зарар ҳам кўришини асло унутмаслик керак.

Ҳаким ИБРАГИМОВ,
Судлар департаменти Наманган вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.

Энг яхши фан ўқитувчиси

Ўрта Чирчиқ туманидаги 41-ўрта умумтаълим мактабида Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ўртасида ўтказилган танловнинг вилоятлар босқичлари ғолиблари ўзаро куч синашдилар. Улар икки кун давомида «Муаммоли дарс», «Анъанавий дарс», компьютер саводхонлиги, тест топшириқлари, саҳна кўринишлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Навоий вилояти вакили, Зарафшон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Рақия Досжанова кўрик-танловнинг мутлоқ ғолиби, деб топилди.

Қорақалпоғистонлик Рожа Кенжабаева (Нукус шаҳри, 17-умумтаълим мактаби) иккинчи, Тошкент шаҳридаги 290-мактаб ўқитувчиси Салиха Досимбетова учинчи ўрин соҳибалари бўлишди.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Иншоотни қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан

1. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Омонкалхат қишлоғидаги 47- мактабни капитал реконструкция қилиш.
Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи бошланғич нархи — 111 654, 802 сўм.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 5 ой.

Иншоотни қуриб калити билан фойдаланишга топшириш шарти билан

2. Пайариқ тумани марказидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини қайта жиҳозлаш ҳамда 10 бош қорамолга мўлжалланган кичик ферма қурилиши.
Қурилиш ишлари давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4 ой.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, Қўксарой майдони, 1-уй.
Телефон: (8-3662) 35-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Қўксарой майдони, 2-Г корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Қўксарой майдонида, соат 18.00да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.



Мустақиллик ва маънавият

Хотирасини йўқотган одам шарпага ўхшайди.
Ҳар бир халқ аввало, ўзини хотирасизлик оқибатида томоша бўлишдек балодан қутқариб, аниқроғи, бундай балонинг олдини олиб яшагани маъқул. Бир ёки бир гуруҳ хотирасидан жудо бўлган руҳий беморларни даволаш мумкин, бордию даволаб бўлмаган тақдирда ҳам, уларнинг аҳволига бардош берса бўлар.

Унутмасликни унутмайлик

Бироқ, бутун бир халқ хотирасидан маҳрум бўлса-чи. Бундай фожеага қандай қилиб бардош бериш мумкин? Албатта, бунинг иложи йўқ. Бу, энди, бутун инсоният учун дош бериб бўлмайдиган бир кўргуликдир.

Тўғри, баъзан одамнинг ўзи ўз хотирасидан маҳрум бўлишни истаб қолиши мумкин. Эркин Воҳидовнинг бир шеърини эслайлик:

Дўстим, хотирангдан
қилма шикоят,
Ёддан чиқармоқ ҳам яхши одатдир.
Ёддан чиқармоқ ҳам зўр саодатдир,
Унутмаслик дарди оғир ниҳоят.

Вақтида унутсанг, ором топар жон,
Дил кўтариб юрмас ортиқ жафони.
Мана мен, йилларки, бир бевафони
Унутолмай қуяман ҳамон.

Биз, «Унутмаслик дарди оғир ниҳоят» эканлигини ошиқ сифатида эмас, бутун бир улкан халқ сифатида бошдан кечирдик. Бутун бир аср мобайнида. Бугун биз мустақилликка кўпинча, қандайдир бир мавҳум шукроналар айтамиз. Аслида, бу шукроналар муайян бўлмоғи керак. Ва бизнинг хотирамизни асраб қолганлиги истиқлолнинг ана шундай муайян неъматларидан биридир. Халқимизни аста-секинлик билан, режалаштирган бир тарзда, изчиллик билан хотирадан маҳрум қилмоқчи бўлишди. Дейлик:

Мени ёд айламакни, чун, унутдинг,
Унутиб, нетти гоҳе айласанг ёд, —

деб ўз севгилисини хотирадан жудо бўлмасликка ундаган Алишер Навоийдек буюк шоиримизни, биздан пинҳон тутишнинг иложи бўлмагач, унинг буюк исломий шоир эканига шубҳа билдириб, атеистдан олиб, атеистга солдилар. Бу зарбаларнинг биринчиларидан эди. Кейин навбат бошқа намояндаларимизга, шунингдек, тилимизга етиб келди.

Мўминнинг мўминдан арази уч кундан ошмаслиги керак, дейилади муборак китобларда. Одамлар ўртасидаги фиску фасод, ҳасад, хусуматнинг-ку унутилгани яхши. Бироқ халқимизнинг тарихи, унинг буюк фарзандлари унутилса, охир-оқибат миллат ўзлигини унутиб қўяди. Хотирасидан маҳрум бўлган халқ қаёқдан келаётганлигини, қаерга ва нима мақсадда кетаётганлигини ёдидан чиқариб қўяди. Баъзи тиллар шунинг учун ўлиб битган. Миллатлар шунинг учун тарих саҳнасидан йитиб кетган.

Хотира борки, биз эзгу амалларимизнинг беминнат бир тарзда бошқаларнинг ёдида асралишини умид этамиз. Хотира борки, бошқаларнинг эзгу амалларини бир умр эсда сақлаймиз. Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ёзган эдилар:

Кўп чекдиму дарё,
бўлмадик ҳеч шод, дариғ,
Ғурбатда бу жон,
қилмадилар ёд, дариғ.

Афсус, надомат юки
елкамда маним,
Дийдор қиёматгача барбод,
дариғ.

Дарҳақиқат, ёд этиб турилмаган инсоннинг дийдори қиёматгача барбод бўлади. Унутилган миллатнинг қисмати ҳам шунга монанддир.

Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари яна ёзган эдиларки:

Кўп менда гуноҳ,
энди савоб ким қилғай,
Кўп менда савол,
энди жавоб ким қилғай.
Қайдаки хоки пок,
тавоф қилдим мен,
Хокими менинг
энди тавоф ким қилғай.

Ўтмишсиз келажак бўлмайди. Арслондан арслон бунёд бўлиб келган. Биз буюк келажакни ҳам буюк ўтмишга таяниб ярата оламиз. Икки буюк даврни — ўтмиш ва келажакни бириктириб туриш учун ўзимиз ҳам анойи бўлмаслигимиз керак. Бунинг учун ўтганларнинг таъбири билан айтганда, савоб ишларни тинимсиз адо этиш билан бирга аждодларнинг хоки покини тинимсиз «тавоф қилиб», яъни улардан келган барча обидаларни муқаддас асраганимиз ҳолда, кимларнинг авлоди эканлигимизни, қаердан келаётганимизни ва қаёққа кетаётганимизни бир лаҳза бўлсин, хотирага таяниб иш кўришни унутиб қўймасликни унутмаслигимиз зарур.

Матназар АБДУЛҲАКИМ.

Спорт

Боксчиларимиз Германияда

Айни кунларда бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Германияда ўтаётган халқаро турнирда иштирок этмоқда.

— Мазкур мусобақа «А» тоифасига кирувчи нуфузли турнирлардан саналади, — деди терма жамоамиз бош мураббийси Шарофиддин Худойбердиев сафар олдидан берган интервьюсида. — Унда олти нафар боксчимиз ўз омадини синаб кўради. Тажрибали боксчи Рустам Саидов билан бирга, иқтидорли ёшларимиздан Камрон Қосимов, Жаҳонгир Сувонқулов, Равшан Худойназаров, Элшод Расулов ва Ўткир Соиповлар ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Хабарингиз бор, жорий йилнинг декабрь ойида Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида навбатдаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Германиядаги турнир нуфузли мусобақа олдидан тайёргарлик вазифасини ўтайди. Биз бундан аввал турли таркиб билан Болгария, Таиланд ва Озарбайжонда ўтказилган халқаро турнирларда қатнашгандик. Ана шу турнирларда муваффақиятли қатнашган боксчилар орасидан Осиё ўйинларига борадиган терма жамоа таркиби шакллантирилади.

Футбол оламининг энг нуфузли мусобақаларидан саналган Европа чемпионлар лигаси иккинчи финалчиси номи маълум бўлди. Эслатиб ўтамиз, биринчи йўлланмани Англиянинг «Арсенал» жамоаси қўлга киритганди.

Финалчилар номи маълум

Испаниянинг машҳур «Ноу Камп» стадионида «Барселона» ва «Милан» жамоалари иккинчи йўлланма учун майдонга тушдилар. Италияда ўтган биринчи ўйинда «Барселона» (1:0) ҳисобида зафар қучганди. «Милан» жамоаси учрашувнинг бошидан бор эътиборини ҳужумга қаратди. Ҳатто, ўйиннинг охирида Андрей Шевченко тўп киритишга ҳам улгурди. Аммо гол ҳакам томонидан ҳисобга олинмади. Шундай қилиб, икки учрашув натижасига кўра, «Барселона» финал йўлланмасини қўлга киритди. Учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида италияликлар бош мураббийси Карло Анчелотти ҳакамдан норози эканлигини яшириб ўтирмади: «Шевченко томонидан киритилган гол ҳисобга олинганида, вазият бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди, деб таъкидлади. Лекин бугун «Барселона»нинг дунёдаги энг кучли жамоалардан бирига айланиб улгурганига тан бермасдан илож йўқ. Финалда ҳам ушбу жамоага омад тилайман», деди у.

Европа чемпионлар лигасининг финал учрашуви 17 май куни Сен Дени шаҳридаги (Франция) машҳур «Стад де Франс» стадионида бўлиб ўтади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

ЎТКАЗАДИГАН ТАНЛОВ ТЎҒРИСИДА

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2003-2005 йилларда бажарилган республика фани, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳамда амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари натижаларини бўйича олимларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази

ҚУЙИДАГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- **"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" туркумига кирувчи фанлар бўйича энг яхши дарслик, ўқув қўлланма, илмий тадқиқот ва мультимедия маҳсулотлари; (500 минг сўмдан 2та мукофот)**
- **жаҳон фан ютуқлари даражасида бажарилган фундаментал тадқиқотлар; (1,0 млн. сўмдан 2та мукофот)**
- **энг юқори даражада бажарилган амалий илмий-техник тадқиқотлар; (1,0 млн. сўмдан 3та мукофот)**
- **ишлаб чиқаришга жорий қилинган инновация ишланмалари. (1,0 млн. сўмдан 2та мукофот)**

Мукофотлар алоҳида илмий иш, кашфиёт, ихтиро ҳамда бир мавзуга бағишланган якунланган илмий ишлар мажмуига берилади.

Танловга бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни тақдим этишда изланувчилар жамоасига фақат ишларни бажаришда бевосита ижодий иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган етакчи муаллифлар киритилади.

Ҳар бир иш бўйича изланувчилар сони ушбу илмий-техник муаммони ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган уч кишидан ошмаслиги керак. Изланувчилар сони икки ва уч кишидан иборат бўлган ҳолларда уларнинг биттаси, албатта, 33 ёшгача бўлган ёш олим бўлиши лозим.

Танловга номзодларни тақдим этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларга берилади.

Танловга номзодларни тақдим этган ташкилотлар танлов тўғрисида матбуотда эълон чиққан кундан то 2006 йилнинг 30 майигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- **ишнинг илмий тавсифи ҳамда фан, таълим ва халқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида маълумотнома (аннотацияси);**
- **танловга тақдим этилган иш бўйича нашр қилинган илмий ишлари, илмий кашфиёт ва ихтиролари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бошқа ҳужжатларнинг нусхалари (бир нусхада);**
- **муаллифлар тўғрисидаги маълумотнома (иш жойи ва мансаби, паспортларининг нусхалари, танловга тақдим этилган ишга ҳар бир муаллифнинг фоиз ҳисобида қўшган ижодий ҳиссаси, уй манзили, телефони) ҳамда 4х6 ўлчамдаги бир дона рангли фотосурати.**

Фан ва технологиялар маркази танлов комиссиясининг қарорига асосан танловнинг ҳар бир йўналиши бўйича иш ғолибларига дипломлар ва пул мукофоти топширади.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2006 йилнинг 30 майигача Фан ва технологиялар марказида (700000, Тошкент ш., А.Темур к., 62-уй, метронинг "Минор" бекати) шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 17.00 гача ёки почта жўнатмаси орқали қабул қилинади.

Танлов шартлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотни Фан ва технологиялар марказидан ёки марказнинг WWW.FTM.UZ сайтидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 137-62-46, 135-63-04, 137-61-54.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

NBU

тезкор пул ўтказмаларининг янги

«ОСИЁ ЭКСПРЕСС»

турини таклиф этади.

Пул ўтказиш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида амалга оширилади.
Пул ўтказилганлиги учун сумма қанчалигидан қатъий назар 2 фоиз ҳақ тўланади.

Сиз 10 дақиқа ичида бутун республикамиздаги Миллий банк филиали ёки бўлими орқали маблағларни жўнатишингиз ёки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 134-14-14 ёки 144-35-56.

Денежные переводы АзияЭкспресс

РОССИЯНИНГ «НАРА» ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «SOMO» ЗАВОДЛАРИ

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.

Мосламалар сифати сертификатланган ва тўлиқ кафолатланади.
Малакали мутахассислар томонидан ўрнатиб бериш таъминланади.

НАРА TM

Тел: (99871)144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY

ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006

МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"

26-28 сентября 2006 года

Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz

МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"

- технические средства обеспечения безопасности,
- антитеррористическое оборудование,
- средства защиты информации, • спасения при ЧС и пожарной охраны,
- обеспечения банковской и промышленной безопасности.

Бизнес-партнеры: info.COM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

ADI International

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы контроля доступа
Устройства печати на пластиковых картах

DatacardGroup
SECURE ID AND CARD PERSONALIZATION SOLUTIONS

ул. Дружбы народов, 44.
Тел. 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лиценцзия КМ № 000390 (проектирование).

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Офис ва хусусий уйларнинг архитектура ва қурилиш ишларини бажарамиз.
Телефонлар: 68-79-82, 336-52-99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ДБҚ котибияти бошлиғи Шокир Каримовга онаси

САПИЯХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Олмос» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Янгийўл шаҳар 32-сон заргарлик дўкони мудири Мовлуда Баҳодировага турмуш ўртоғи

Ботирали БАҲОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Сиҳат-саломатлик» журнали таҳририяти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулчеҳра Жамиловага падари бузруквори

Карим ЖАМИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Жаҳон адабиёти ва адабиёт назарияси кафедраси катта ўқитувчиси Юнус Бобоқуловга ўғли

ЎЛУҒБЕКнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00

123456